# ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!


*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**1 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 1** (12637)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни – барча-барчангизни қутлуғ қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлик-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб равнақ топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз қўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Якунига етаётган 2013 йилнинг айни шу йўлда Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, хосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказади.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган кенг кўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортмагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айни шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолимизнинг моддий аҳволи янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги – 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш – бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг кўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилинганини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш – ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуғ ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш – биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айни шу ҳақиқатни чуқур англаб, "Соғлом бола йили" деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

Вилоят кенгаши сессияси

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар гуруҳлари вилоят бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари, соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.**

**Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Сессияда Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2012 йил ижроси ҳамда 2013 йил кутилаётган ижросини тасдиқлаш, шунингдек, вилоятнинг 2014 йилги маҳаллий бюджети тўғрисида, вилоятда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, эрта турмуш қуриш, вояга етмаганлар ўртасида туғуруқ ҳамда оналар ва гўдаклар ўлимининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, 2013 йилнинг 12-13 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг 2014 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## М. ЭШОНОВНИ ЧИНОЗ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокими лавозимига Эшонов Маҳмуд Аҳмадович 2013 йил 30 декабрдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Чиноз тумани ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими** **А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 30 декабрь.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧИНОЗ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Аввал "Чирчиқ-Оҳангарон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги "Гидрогеология мелиоратив экспедицияси" бошлиғи лавозимида ишлаб келган Эшонов Маҳмуд Аҳмадович Чиноз тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ЮРТГА ЎҒИЛ ЎСТИРГАН ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ




**Бу ҳаётнинг, тирикликнинг энг ноёб неъмати бор: уни "Тинчлик" дейдилар. Яна кексаларимиз тинчлик, омонликда ўтган ҳар бир куннинг қадрига етмоқлик зарурлигини бот-бот такрорлайдилар. Зеро, тинчлигу соғлик – энг катта бойлик". Уни бегона кўзлардан асраш, ёт унсурлардан ҳимоя қилиш эса – осон эмас! Бунинг учун эл-юрт ҳимоясига, Ватан мудофаасига кўкси қалқон, марду майдон ўғлонлар керак. Шукрким, шундай ўғлонларни туғиб, ўстириб, вояга етказган оқила, зукко, забардаст Оналаримиз саломат, омон, истиқлол шарофати билан доимий эътиборда.**

Аскар оналари ҳақида ўйлар эканмиз, юрт меҳроби – Истиқлол майдонидан ўрин олган Хотира масканини, номлари мангулик китобига битилган, шаҳид кетган ўғлонлари фироқидан қадди дол, нигоҳлари мунгли мотамсаро Она ҳайкали кўз олдимга келади. Ҳа, тарихимиз саҳифаларида шундай аламли доғлар кўп бўлган. Уларни эсламай, хотирламай туриб, ҳозирги дориламон, тинч, осуда ҳаётнинг қадрига етиш қийин. Зеро, озод юрт ҳимоясига отланган ўғлонлари тақдиридан кўнгли тўқ оналар мустақиллик берган бебаҳо неъмат – тинчлик, омонлик қадрини чуқур англайдилар.

Ҳозирги кунда вилоятимизда ўғлонлари юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган 2101 нафар аскар оналари бор. Улар фарзандларини бир вақтлардагидек ички хавотир, қўрқинч, қайғу билан эмас, балки умид, ишонч билан ҳарбийга кузатадилар ва хотиржамлик билан кутадилар.


(Давоми 2-бетда).


**Оққўрғон туманида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни олдидан Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш соҳасида эришилаётган натижаларни аҳолига етказишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Шу мақсадда тузилган махсус комиссия алоҳида режа асосида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари, бадиий кечалар уюштирмоқда.**

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА СУҲБАТ

Жумладан, туман мусиқа ва санъат мактаби ҳамда ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ёшлар учун олимлар, адиб ва шоирлар, шунингдек, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Шош наволари" академик бадиий жамоа вакиллари билан учрашув ташкил этилди.

Туман марказида ҳарбий мудофаа тизимида узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чой устида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир ниҳоясида ҳарбий хизмат ва уруш фахрийларига ҳомий ташкилотларнинг байрам совғалари тақдим этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Семинар

# МУЛОҚОТ

**ЎзЛиДеП Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда Паркент туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар ташкил этди.**

Йиғилишда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этишди. Тадбирда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аграр соҳа вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар қишлоқ мулкдорлари қўлга киритаётган салмоқли ютуқларга асос бўлаётгани таъкидланди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# УМИДИМИЗ УШАЛСИН!

**Яшаётган одам учун кун кундан, ой ойдан, йил йилдан гўзал. Зеро, яшашдан мақсад ҳам ҳаётимиз давомида гўзаллик излаш, илму ҳикмат ахтариш. Яна яшашдан маъно – умримиз йўлларида гўзаллик, эзгу ишлар, савоб қолдириш.**

Йўқса, дунёга нега келамиз? Биз бўлмасак ҳам баҳор келаверади, осмон оппоқ қорларда оқ ниятларини элайверади... Инсон бу оламга Оллоҳ яратган гўзалликларга гўзаллик қўшгани, ўзи бунёд этган нураш билмас биноларда, онгу тафаккурда чироқдек чарақлаб турган ихтироларида яшагани, бир сўз билан айтганда, бор яхши ишлари билан ўзидан кейинги авлодлар дилида қолгани келади.

Шукрким, биз шундай яшаяпмиз. Тан олмоқ жоизки, бизга бундай имкониятни мустақиллигимиз берди. Чунки барча юмушларнинг аввали инсоннинг ҳақ-ҳуқуққа эга бўлишидан бошланади. Биз Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватаннинг соҳиби бўлдик. Ўтган 22 йилда Ўзбекистон осмонида ҳавас ва ҳайрат қуёши порлади. Биз илк қадамни ўзни танишдан, ўзни англашдан, ўзлигимизни қадрлашдан бошладик.


(Давоми 2-бетда).


Огоҳлик

# ШУКРОНА АЙТСАК АРЗИЙДИ

**Мана, 2014 йилни эзгу тилаклар ва орзу-умидлар билан кутиб олдик. Барча хонадонларда шоду хуррамлик, ўйин-кулги. Жойларда байрам билан боғлиқ турли тантаналар, тадбирлар ўтказилмоқда. Президент совғаларини олган болажонларнинг хурсандчилиги чексиз. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик, осудалик, барқарорликдан далолат. Лекин ҳушёрликни бўшаштирмаслик лозим.**

Турли бузғунчи гуруҳларнинг дин ниқоби остида террорчилик ҳаракатларини содир этишаётганини оммавий ахборот воситалари орқали билиб турибмиз. Янги йил байрами арафасида Россиядаги хунрезликлар ҳаммани бирдек ларзага солди. Портлашлар натижасида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмди. Тан жароҳати олганлар қанча?

Тинч ва осуда заминда яшаётганимизга шукрона келтирсак арзийди. Кўнглимиз хотиржам, ҳаётимиз фаровон. Турмушимизни янада гўзал қилиш учун юртимизда ҳамма зарур шароитлар муҳайё. Бироқ, тарихан қисқа даврда эришган бу ютуқларимизни кўролмайдиган ғаламислар ҳам йўқ эмас. Улар чет элларда ҳар куни юз бераётганидек, бизда ҳам диний экстремизм ва террорчиликни касб қилиб олган ёвуз ниятли кимсалар хунрезлик содир этишлари мумкинлигини ким инкор эта олади?

Шундай экан, жойларда Янги йил байрами тантаналари, болажонларимиз иштирокидаги арча байрамлари давом этаётган ҳозирги кунда ҳушёрлик ва огоҳликни асло бўшаштирмаслигимиз керак.

**Дилшод ТЎРАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон таэквандо WTF ассоциацияси вилоят бўлими ижрочи директори.**

Озод юртнинг обод манзиллари

# ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙДА КУТИШДИ

**Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 уй-жой бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди.**



Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 4 январда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида"ги қарорига биноан вилоятда бир минг элликта уй-жой қад кўтарди.

– Янги йилни янги уйда кутадиган бўлдик, – дейди Машраб Абдуллаев. – Байрам арафасида Юқори Чирчиқ туманидаги "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғинида бунёд этилган уйлардан бирига кўчиб ўтдик. Бундан ниҳоятда хурсандмиз. Намунавий лойиҳа бўйича қурилган уйимизнинг катта йўл бўйида жойлашгани, шифохона, мактаб ва болалар боғчасига яқинлиги бизга катта қулайлик туғдирмоқда.

Машрабнинг икки қиз, бир ўғли бор. Янги уйда болалар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай шинам уйларда вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.

Юқори Чирчиқ туманининг "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган янги массивда озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона ва маросимлар зали фаолияти йўлга қўйилган. Автомобиллар учун тўхташ жойи ва ҳар бири қарийб 20 сотихли иккита боғ бунёд этилган. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, турли аттракционлар ўрнатилган болалар боғи ҳам аҳоли хизматида.

2009-2012 йиллари тумандаги "Бордонкўл", "Тинчлик", "Оқовул", "Истиқлол" ва "Саксонота" қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли ҳудудларда намунавий лойиҳа бўйича барпо этилган бир юз етмишдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Бундай уй-жойларга қизиқиш ва талабнинг ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, 2013 йил Юқори Чирчиқда 237 замонавий уй бунёд этилди. Айни кунларда улар бирин-кетин ўз эгаларига топширилмоқда.

– Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қишлоқларимизда қад ростлаётган намунавий уй-жойлар, замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқариш объектлари, спорт иншоотлари халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари Анорбой Салимов. – Кейинги йилларда туманимиздаги қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича кўплаб уй-жойлар, янги мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шифохоналар, стадионлар қурилди. Бир қанча таълим ва тиббиёт муассасалари капитал реконструкция қилинди, таъмирланди. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари кўпаймоқда. Йўллар талаб даражасига келтирилиб, атрофи ободонлаштирилаётир. Аҳолини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқача айтганда, қишлоқларимизда шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратилаётир. Бундан барча миннатдор.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# УМИДИМИЗ УШАЛСИН!

Мана, мустақиллигимизнинг йигирма учинчи йили – 2014 йил ўз дарвозаларини очди. Биз унга ХУШ КЕЛДИНГ, ЯНГИ ЙИЛ, дедик. Янги йилнинг тоза ҳавосидан беминнат нафас ола бошладик.

*Ҳар кундан инсоннинг*
*умиди улуғ,*
*Ҳар кундан ҳидоят*
*кутиб яшайди.*
*Ўтар йил, биз сенга*
*қиламиз қуллуқ,*
*Янги йил лаб очган*
*гулга ўхшайди.*

Таъбир жоиз бўлса, лаб очаётган гулни, ғунчани янги туғилган гўдакка менгзаш хато бўлмас. Ҳар икки ҳолда ҳам биз юз очган умидни кўрамиз. Ҳар икки ҳолатга боққан нигоҳларда қувонч қийқиради, муҳаббат оловланади, шукрона шалоланади.

Янги йил – янги орзу-ниятлар, эзгу тилаклар йили, ўзбекона айтсак - аввало тинчлик, омонлик, бунёдкорликлар йили.

Президентимиз ташаббуслари билан бу қутлуғ йилимиз "Соғлом бола йили" деб номлангани қалбларимизга гўдаклар чеҳрасидаги беғубор зиёни, уларнинг тоза тилакларидаги самимиятни олиб кирди. Янги ташаббусларга чорлади, куч-қувват ато этди.

Чунки:

*Ҳар жоннинг чашмаси*
*фарзанд бўлади,*
*Дил ичра юз очган*
*дилбанд бўлади.*
*Ўғлин эл алқаган*
*ота-онанинг*
*Кўкси тоғлардан ҳам*
*баланд бўлади.*

Эндиликда Ўзбекистон ўғил-қизлари нафақат ўз ота-оналарини, балки халқимиз кўксини сарбаланд қилишяпти. Улар дунёнинг спорт майдонларида, илм-фан олимпиадаларида, санъат саройларида улуғ аждодларимизга мос ва хос мардлик, оқиллик кўрсатишяпти. Юрт байроғини бошлари узра тутишиб, мадҳиямизни янгратиб, ғолиблик нашидасини сурялтилар. Шуни фахру ифтихор билан айтамизки, аввало давлатимиз ёш авлод баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Айни пайтда буни дунёнинг кўплаб халқлари эътироф этяпти.

Шуни унутмаслигимиз жоизки, шу қутлуғ йилнинг ҳар биримиздан ўз сўрови бор. Аввало элу юрт тинчлиги, осойишталиги олдида масъуллигимиз. Ҳушёрлик кунда ва бир умрга керак.

Ким яхши яшашни истамайди? Барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй-жой, тўкин дастурхон, сўнгги русумдаги янги автомобилларни ким орзу қилмайди? Бунинг учун аввало элу юрт тинчлиги, эркин, бемалол меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароит ва имконият керак. Буларнинг барчаси, шукрки, бизда бор. Аммо ҳалол меҳнат қилиш, изланиш, эзгу мақсад йўлида жонфидоликнинг уддасидан ҳамма ҳам чиқавермайди.

Бизнинг Янги йил аввалидаги ниятимиз шуки, барчамизга ўзимиздан ортиб, эл ишига камарбаста туриш, юрт корига яраш, сафларда ўз ўрнимиз, ўз қадримизга эга бўлиш насиб этсин. Зеро, бир ниҳол ёнига уч ниҳол эккан, бир ғишт ёнига икки ғишт қўйган одамнинг юзи ҳамиша ёруғ бўлган.

Янги йилда танимиз сиҳат, оиламиз тинч, рўзғоримиз тўкин бўлиб, қалбимизда эзгу ниятлар балқиб турсин. Ҳазрат Навоий лутф қилганларидек: "Умидим шулки, умидинға етгайсан".

*Ўтар кунинг ўтаверар, сўрамайди,*
*Бошга тушган қорни биров курамайди,*
*Тош нурайди, пок ниятлар нурамайди,*
*Кетар йилнинг шукрини қил, кузатиб қол,*
*Янги йилга бағрингни оч, хуш кутиб ол.*

*Отанг борми, орзуларин ушатиб юр,*
*Онанг бўлса пойига гул тўшатиб юр,*
*Қадам боссанг Алпомишга ўхшатиб юр,*
*Ўтар йилда гар дилингда қолса савол,*
*Янги йилда сен янгратиб жавобин ол.*

*Келгин, гулга ҳам райҳонга бўл ҳамнафас,*
*Ҳасадни қўй, дилинг тўла бўлсин ҳавас.*
*Ватан биздан вафо кутар, ваъдалармас,*
*Гар ҳамроҳинг илму ҳикмат, касби камол,*
*Янги йилда сеникидир бахту иқбол.*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сарҳисоб ва режа

**Халқимизнинг эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатлари мустақиллик йилларида ўзининг том маънодаги мазмун-моҳиятига эга бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар ишда эл-юрт кўнглидагини топиб, орзу ниятлари рўёби учун астойдил жон куйдираётгани яхши маълум. Ахир ўзи қолиб, боласини ўйлайдиган, ҳар қадамда фарзандлар келажаги ёруғ бўлсин дея ҳаракат қиладиган халқ учун бундай давлат сиёсати айни муддао эмасми? Қолаверса, ҳар бир йилга ном беришда ўз халқига бўлган беқиёс меҳр акс этиб турганини ким инкор эта олади? "Аёллар йили", "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили" ва ниҳоят "Соғлом бола йили". Гўё кириб келган хосиятли йилимиз 22 йиллик саъй-ҳаракатларнинг асл олий мақсадини ифодалаб тургандек. Демак, бола соғлом бўлиши учун яна нималар қилиш керак?! Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева билан суҳбатимизда Ўзбекистонимиз келажаги, ёшлар, болалар камоли нималарга боғлиқ экани, бу йўлда вилоятда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида сўз борди.**

# АСЛ МАҚСАД ИФОДАСИ

**– Сир эмас, ҳар сафар Янги йил арафасида: "Келаётган йилга қандай ном берилар экан?" деган савол барчанинг кўнглидан ўтади. 2014 йил номини эшитганда дафъатан нималарни ўйладингиз?**

– Аввало, оқилона, одилона давлат сиёсати яна бир бор кўнгилга қандайдир ором, дилга таскин бағишлаганини ҳис этдим. Бир пайтлар "Ҳамма яхши нарсалар болалар учун" дейилар, амалда эса, бунинг акси эди. Ҳомиладор аёлларга, янги туғилган чақалоқларга, умуман, ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътиборни ҳозирги кун билан таққосласак, орадаги фарқ яққол кўзга ташланади. Барча замонавий, жаҳон стандартларига мос жиҳозлар билан таъминланган, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта таълим муассасалари, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам оналар ва болалар, кексалар соғлиги доимий назоратда эканлиги, турли маънавий-маърифий, кўнгилочар тадбирларда яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулаётган болажонлар... Уларга аталган Президент арчасию, совғалари. Мактаб ёшига етганлар учун барча ўқув қуролларининг Президент номидан бепул тарқатилиши. Ўқувчилар, талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит, имкониятларнинг борлиги. Замонавий спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари. Деярли ҳар бир маҳалладаги стадионлар. Айтаверсак, инсон омили учун керакли неъматларнинг муҳайё этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қисқаси, инсонпарварлик тамойили устувор мамлакатимизда оқилона давлат сиёсати тобора ўз самарасини яққол намоён этмоқда. Шу билан бирга қилаётган ишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бундай олижаноб сиёсатга ҳамоҳангми, изланиш-интилишларимиз шунга муносибми деган саволга жавоб излаб, ўзимни, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисидек масъул вазифа ижрочиси сифатида тафтиш қилдим, аниқроғи энг аввал ўзимга-ўзим ҳисоб бера бошладим.

**– Бу борада айтишга арзигулик ишлар йўқ эмас, шундайми?**

– Албатта, аввало аёл, она, қолаверса, масъул ходим сифатида айтишим мумкинки, Соғлом бола йили биз учун энг сермаҳсул, энг масъулиятли йил бўлади. Ўтган йилдаги фаолиятимиз ҳам бесамар кетмади. Мамлакатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари ижроси бўйича изчил ва тизимли ишлар олиб борилди ва кўпгина яхши натижаларга эришдик дея оламан. Аввало, оналар ва болалар ўлими камайди. Бугунги кунда вилоятимизда 2 млн. 695 минг 737 аҳоли истиқомат қилади. Уларга 9 минг 65 ўринли 64 та шифохона, 45 минг 479 қувватга эга 325 та амбулатория-поликлиника муассасаси, шу жумладан, 265 та қишлоқ врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг деярли барчаси замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

**– Шундай бўлса-да, халқимиз таъбири билан айтганда, "иссиқ жон"нинг иситмаси чиқиб туради. Айниқса, аёллар ва болалар доимо тиббий назорат, муолажага муҳтож.**

– Тўғри. Хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида маълум бўлдики, туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликлар 40,2 фоиз экан. Яъни, чуқур текширувдан ўтган 684 минг 718 туғиш ёшидаги аёлларнинг 273 минг 689 нафарида шундай касаллик кузатилган. Шунингдек, ҳомиладорликка монелиги, яъни жисмида ҳомилага таъсир этувчи омиллар борлиги ёки умуман туғиш мумкин бўлмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Булар энди фақат тиббий муолажа орқали эмас, балки маънавий руҳий қўллаб-қувватлаш, тушунтириш билан ҳам бартараф этиладиган дардлар ҳисобланади. Бу борада аёллар маслаҳатхонаси, оилавий шифокорлар, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари мутахассисларининг фаолияти, кўмаги муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятимиз бўйича соғлиқни сақлаш тизимида айнан она ва бола саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш керак. Чирчиқ шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази капитал таъмирланиб, замонавий ташҳис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Оҳангарон, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа туман, шаҳарлардаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохоналар техника-транспорт воситалари, рақамли рентген аппаратларига эга бўлди.

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги фикрларини келтириш жоиз:

"Табиийки, соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлигига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради..." Демак, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ ғояга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз керак..."

**– Ҳақиқатан ҳам аёлларимиз соғлигига нафақат тиббиёт ходимлари, балки оиладан бошлаб барча жамоат ташкилотлари, бутун жамият масъул экани ҳаётий зарурат.**

– Шундай. Мана Оила дедик, ундаги муҳит, хонадондаги шароит, таъкидланганидек, ҳомиладор аёл атрофидаги одамлар, маҳалла, хотин-қизлар ҳам унинг саломатлигига бевосита таъсир этади. Аввало, бўлғуси оналар, яъни қизлар тарбиясига ҳам кўпроқ маҳалла-мактаб-оила дахлдор. Шу маънода барча мактаб, коллежлардаги "Ораста қизлар" тўгараги қатнашчилари ўз билимларини бошқаларга ҳам ўргатишлари керак. Зеро, ораста қизлар бўлғуси соғлом авлод яратувчиси. Демак, болани вояга етказувчи аввало оила, қолаверса, боғчадан бошланган тарбия мактаб, лицей ва коллежларда, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар, изчил таълим-тарбия асосида давом этиши керак. Шу маънода таъкидлаш жоизки, оила мустаҳкамлиги, соғлом авлод тарбиясига масъул оталар учун ҳам "Камолот", "Маҳалла" ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги маънавий-маърифий тадбирларни, болалар, хотин-қизлар, оилавий спорт мусобақалари, турли спорт тўгараклари фаолиятини кенг йўлга қўйишни янада кучайтиришни режалаштирганмиз. Бунда маҳаллалардаги ҳамкорлик секторлари фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Сўзимни мамлакатимиз раҳбарининг яна бир фикри билан якунламоқчиман: "Бундан хулоса шуки, "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур".

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Сайёра РИХСИЕВА**
**суҳбатлашди.**







# ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

**Дунёда болажонлар кулгуси ва шодлигидан ортиқ ҳузурбахш туйғу бўлмаса керак. Ҳаётимизнинг ширин мевалари ҳамиша кўз ўнгингда яйраб-яшнаб турса, инсон учун энг катта бахт шу-да!**

"Барча яхши нарсалар болалар учун" деган ибора, мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Бу ниятлар ижобатини ҳар куни, ҳар қадамда сезиб, кўриб турибмиз. Мамлакатимизнинг барча шаҳар туманларида беқиёс кўтаринкилик билан бошланган Янги йил шодиёналари болаларни оҳанрабодек ўзига чорлаб турувчи гўзал арчалар атрофида давом этмоқда. Бу шодиёналарни вилоят ҳокимлиги Оҳангарон туманидаги "Мажнунтол" тўйхонасида "Президент арчаси" байрам тантанаси билан бошлаб берди. Таърифига тил ожиз муҳташам кошона, серсавлат, сервиқор арча атрофида ўйнаб-қувнаётган болаларнинг бахтиёр чеҳраси дилни яйратади.

Бу байрамда вилоятимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, қаровчисиз ва эътиборга муҳтож болаларга Президент совғалари топширилди. Кам таъминланган оилаларга қўй, яна 10560 болага совғалар тарқатилди. Вилоятнинг мутасадди ташкилотлари ҳамкорликда уюштирган байрам тадбирлари сермазмун, таассуротларга бой ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ**
**олган суратлар.**

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ЮРТГА ЎҒИЛ ЎСТИРГАН ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ҳарбий хизматни йигитлик бурчи, ор-номус, ғурур деб билган йигитлар эса Ватан ишончи, оналар умидини оқлаш, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш ниятида хизматда.

Ўз халқининг осуда ҳаёти, Ватан барқарорлиги йўлида доимо собит мамлакатимиз раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Ватан ҳимоячиларини шарафлаб, 14 январь кунини ҳар йили байрам қилишга қарор қилганига 21 йил тўлади. Бу қутлуғ сана олдидан аскар оналарига ҳурмат кўрсатиш вилоятимизда анъанага айланган.



Янгийўл тумани, "Фаровон" тантаналар уйида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳокимлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида "Аскар оналарини шарафлаймиз" номли тадбир ўтказилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши бундай хайрли тадбирларга янада кўтаринкилик, жўшқинлик бағишлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Байрамда 253 нафар янгийўллик аскар оналарига энг азиз меҳмон сифатида алоҳида иззат-икром кўрсатилди. Ушбу лаҳзалар таърифини келтириш мушкул. Қалби дарё оналар чеҳрасида адоқсиз меҳр, чуқур ҳаяжон. Айниқса, ҳарбий хизматдаги ўғлонлар ҳаёти, уларга яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги видеолавҳалар намойиш этилганда, оналар кўзида қувонч порлади. Улар орасида ўз бурчини адо этаётган пайтда ҳалок бўлган мард, жасур ўғлонларнинг оналари ҳам борлиги, улар мустақил Ватан ҳимоячилари бўлган марҳум фарзандларининг қаҳрамонлиги билан фахрланишлари нақадар ҳаяжонли...

Бу ажойиб тадбирда рўй берган яна бир ҳолат аскар оналари учун кутилмаган совға бўлди. Хизмат бурчларини аъло даражада ўтаётган ўғиллар ҳақида оналарга йўлланган ҳарбий қисм командирларининг миннатдорлик хатлари ўқиб эшиттирилганда, оналарнинг юзларида бахтиёрлик нури жилваланди. Ҳа, яхшиликинг чеки йўқ дейишади.

Тадбир ташкилотчиларининг яна бир хайрли амалини алоҳида таъкидлаш жоиз. Одатда фарзандини икки кун кўрмаса соғиниб қоладиган оналар хизматдаги ўғилларини бир йил давомида тоқат билан кутишларини яхши биламиз. Уларга дийдор умиди куч бериши ҳам бор гап. Бу лаҳзалар кутилмаганда содир бўлса-чи?! Муддатли ҳарбий хизматни Жиззахда ўтаётган янгийўллик оддий аскарлар Санжар Болтабоев, Ҳусанбек Қаҳрамонов ва Дониёр Турғунбоевнинг меҳмонлар ҳузурига кириб келишлари, уларнинг оналари учун ҳақиқатан ҳам кутилмаган бахт бўлди. Ўғилларини соғиниб, йўлларига кўз тикиб ўтирган оналар бу дийдорнинг қадрини яхши билишади.

Хуллас, "Аскар оналарини шарафлаймиз" байрам тадбири иштирокчилар, айниқса оналар қалбида узоқ сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, сенатор Маҳмуд Тоир шундай дейди:

– Ҳар қандай инсон учун Она дунёдаги энг муқаддас зот. Ахир у нафақат ўз ўғлининг, балки барча фарзандларнинг, миллатнинг Онаси. Бугун мен шундай табаррук зотларнинг эъзозидан тўлқинланиб, ғурурланиб кетдим.

Вилоятимиздаги барча эзгу ишларнинг ўзига хос рамзига яна бир бор гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун давра тўрида ҳақиқий оналикка, эъзозу эҳтиромга муносиб мукаррам зотлар ўтирибди. Юрт корига ярайдиган, Ватан ҳимоясига тайёр фарзандлар онаси бўлиш, яна бунинг муносиб рағбатини кўриш қанчалар бахт.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ**
**олган суратлар.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Техник кўрик

# УЛОВИНГИЗ ПАНД БЕРМАСИН

**Юртимиз кўча ва йўлларида транспорт воситалари қатнови тобора қалинлашмоқда. Айниқса, шахсий автомобилларнинг кўпаяётгани халқимиз ҳаёти янада фаровонлашаётганидан далолатдир.**

**Бироқ, транспорт воситаларининг кўпайиши ҳаракат хавфсизлиги масаласига янада жиддийроқ эътибор талаб қилади. Бунда автомобилларнинг техник ҳолати ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунинг учун бугун бу масалага алоқадор тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, вилоят ҳокимлиги қошида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси фаолият юритмоқда.**

Вазиятга мувофиқ ҳолда автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш талаби тобора кучайтирилмоқда. Мақсад битта – ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия 2014 йилдаги техник кўрик масаласини алоҳида ўрганиб чиқди ва шу асосда тегишли идораларга вазифалар юклатилди. Ҳозир жойларда тегишли қарорлар қабул қилиниб, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Транспорт воситалари русуми ва бажарадиган ишига қараб турли муддатда мажбурий техник кўрикка жалб этилади. Хусусан, тижорат асосида йўловчи ташувчи енгил автомобиль, автобус, троллейбус, трамвай ва ўриндиқлари 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчи ўрнидан ташқари), мунтазам одам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари бир йилда икки марта кўрикдан ўтказилади.

Ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам киради) транспорт воситалари (юқорида кўрсатиб ўтилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтиши шарт. Бундан ташқари ишлаб чиқарилган муддати беш йилдан ошган, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (юқорида кўрсатилган махсус транспорт воситаларидан ташқари) бир йилда бир марта текширувдан ўтади. Тиркамалар эса кўрикка транспорт воситаси-шатакчиси учун белгиланган муддатларда олиб келинади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий органларида рўйхатдан ўтказилган биринчи йили транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди (юқорида кўрсатилган махсус транспорт воситаларидан ташқари).

Махсус транспорт воситаларининг техник кўриги биринчи марта 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта эса 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилади. Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари техник кўрикдан 1 мартдан 30 июнгача ўтади. Шунингдек, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари 1 январдан 31 августгача техник кўрикдан ўтиши лозим.

Бугунги кунда аксарият транспорт воситалари газда ишлашга ўтказилгани боис баллонларнинг яроқлилик муддати ва тегишли ҳужжатлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг газда ишлаш қоидаларини ўзлаштирганлари доимий назорат қилиб борилмоқда. Ҳар бир транспорт эгаси техник кўрик масаласига жиддий эътибор бериши, уловларини соз ҳолда кўрикка олиб келишлари талаб этилади.

Шу билан бирга ҳайдовчилар йўлларда ҳушёрликни оширишлари, бирор носозлик вужудга келганда аввал тузатиб, кейин ҳаракатланганлари маъқул. Акс ҳолда улар арзимаган, деб ҳисоблаган техник носозлик катта автоҳалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

**Дилмурод ШУКУРОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техник назорат бўлими бошлиғи.**





# «ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ – 2013»

**Бу танлов ғолиби, вилоятимизнинг фидойи олимларидан бири Абдурашид Ҳасановни кўпчилик яхши танийди. У Навоий Давлат кончилик институти Олмалиқ кон металлургия факультети кафедра мудири, халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги академияси академиги, Россия табиий фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси ФА мукофоти лауреати, халқаро муҳандислар академияси Ўзбекистон муҳандислари федерациясининг ҳақиқий аъзоси.**

Унинг заҳматли меҳнатлари мамлакатимизда муносиб рағбат топган. Абдурашид Ҳасанов "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.

– Устозимиз 2010 йилда ҳам шундай танлов ғолиби бўлганлар, – дейди НавДКИ, Олмалиқ филиали 4-курс талабаси Шоҳиста Фармонова. – У яратган "Рангли металлар металлургияси" ўқув қўлланмаси учун I даражали диплом берилган эди. Бу йил эса танловнинг республика босқичи ғолиби сифатида Олий, Ўрта махсус ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Истеъдод" жамғармасининг II даражали дипломи билан тақдирланди. Устозимизнинг китоблари биз – кончилик институти талабалари, завод-корхоналарнинг ёш мутахассислари учун зарур қўлланмадир. Истагимиз, бу китобга ўхшаш қўлланмалар ўз она тилимизда, ўзбек тилининг лотин алифбосида чоп этилса.

Халқаро кончилик илмида ўзига хос мактаб яратолган ватанпарвар, фидойи олим ҳали кўп йиллар эл-юрт ободлиги йўлида хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Сайёра РИХСИЕВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Кўрик-танлов

# ВИЛОЯТИМИЗ ҒОЛИБЛАР САФИДА

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган "Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси" кўрик-танловининг якунловчи республика босқичи ўтказилди.**

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад электр энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини оқилона қўллаб, инновацион энергиянинг тежамли тизимларини жорий этиш юзасидан аҳоли тушунчасини бойитишга қаратилган.

– Давлатимиз раҳбарининг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қайта тикланадиган муқобил электр манбаларини янада кенгайтиришга оид саъй-ҳаракатларга катта туртки бўлди, – дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши матбуот котиби Азиза Қурбонова. – Партия шу мақсадда ишлаб чиққан ҳаракат дастурида белгиланган асосий вазифаларни изчил амалга оширмоқда. Кўрик-танлов эса, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва маиший шароитларда кенг фойдаланиш йўл-йўриқлари билан аҳолини чуқурроқ таништириш имконини беради.

Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари бошланғич партия ташкилотлари ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари доирасида ўтказилди. Республика босқичида "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иштирок этди.

Якунловчи босқичда партиянинг Тошкент вилояти кенгаши кўрик-танлов ғолиблигини қўлга киритди. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туман кенгаши шаҳар ва туман кенгашлари ўртасидаги республика танловида совринли учинчи ўринни эгаллади.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР




Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Валиев Рихсибай Турсунмуратовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

---

Янгийўл тумани ҳокимлиги хузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "G'ISHT KAPITAL INVEST" (ИНН 300688583) МЧЖнинг устав жамғармаси 205 014 000 сўмдан 4 800 000 сўмга камайишини маълум қилади.

---

Янгийўл туманидаги 45-мактаб томонидан 1991 йилда Юсупов Улуғбек Ачиловичга 9-синфни битирганлик тўғрисида берилган АУ № 544801 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

**ЗАНГИОТА ТУМАНИ 1-СОН ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИГА 1 НАФАР**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2014 йил 16 январь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Бектемир тумани СИБ томонидан 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 R 769 CA. Бошланғич баҳоси – 4 371 837.92 сўм. 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "ГБА СНГ ГАЗ 5205" д.р. 01 935 ТВА. Бошланғич баҳоси – 2 184 490.77 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ГБА СНГ КАВЗ 3271" д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси – 4 100 236.71 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 11.01.2013 й. № 1-57-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и.ч. "ГАЗ 33020214" д.р. 01 418 DCA. Бошланғич баҳоси – 32 588 092.80 сўм. ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда. 5. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 27.08.2010 й. ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и.ч. "Нексия" д.р. 11 TV 192. Бошланғич баҳоси – 6 465 839 сўм. 5. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 21.08.2013 й. № 403/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-уйда жойлашган "Mobile And Sportive" МЧЖга тегишли мол-мулклар: цифровой магнитно резонансный томограф Brivo MR355 1.5T. Бошланғич баҳоси – 2 503 617 684 сўм. Аналоговая рентгенографическая система, модель XR 6000. Бошланғич баҳоси – 210 498 336 сўм. УЗД сканер GE Logiq P5. Бошланғич баҳоси – 109 101 705 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 15 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2014 йил I чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга қайта танлов эълон қилади:

*1. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)*
*2. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86)*
*3. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)*
*4. Сметана 30 фоиз (жир O'zDSt 1084-2011)*
*5. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003с)*
*6. Пишлоқ 40-45 фоиз (жир O'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)*
*7. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)*
*8. Карам*
*9. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)*
*10. Бодринг янги узилган*
*11. Қуритилган мевалар (ГОСТ 7336-69)*
*12. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)*
*13. Компот консерваланган*

*Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.*

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2014 йил 3 январь кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши керак.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2014 йил 6 январь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95.

# ҚОРБОБО «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Ҳажвия



Бошлиғим билан "ит-мушук"-миз. Арпасини хом ўрганман. Мени кўрса эти сесканади. Олдидан борсам тишлаб, ортидан борсам тепади. Гапимиз ҳеч қовушмайди. Арзимас баҳоналар билан кўпнинг олдида изза қилгани-қилган. Номим "хутба"га қўшиб ўқилмаган бирон мажлис йўқ.

Лекин шу сафарги Янги йил байрами баҳонасида орамиз илиб, тўн ҳам, файтон ҳам ўзимизники бўлди, деб юрганимда... қаёқдандир изғирин туриб, ширин орзуларни тумтарақай қилдикетди.

Ҳаммаси хўжалик йили якунларига бағишланган йиғилишдан бошланди. Панароқда ўтирибман, бошлиқнинг кўзи тушмасин, деб. Йўқ, бўлмади. Мажлис жонивор бувимиздан бошланиб, энамизда тугади.

Билсангиз, электр таъминоти идорасида иш тартиби шундай. Ҳар бир ходимнинг ўз участкаси бор. Ўзингизга бириктирилган маҳалланинг хўрозидан тортиб, ғулғултовуғигача жавобгарсиз. Ишингиз пул ундиришу қарздорликни камайтириш.

Бизнинг чекимизга ҳам туман марказидан ўттиз чақиримча узоқдаги "Пастовул" маҳалласи тушган. Ўхшатмасдан учратмас. "Пастовул" деганлари номи ўзига жуд-а-а монанд жой. Одамлари электр тугул етимнинг ҳақиданам қўрқмайди. Ўлгудай зиқна. Тийиннинг устида ўнбалоқ ошади. Талашгани-талашган. "Ҳой, барака топгур, биздаям бола-чақа бор, "счётчик"ингни ёзгани фалон, кел шуни учга бўламиз, бир қисми сенга, бир қисми бизга, бир қисми давлатга", деб бўладиган гапни тушунтирсангизам, безрайганча, ҳалигиндай қилиб, бош бармоғини кўрсатади...

Яна маҳаллада "қўли қичиган"-нинг кўплигини айтмайсизми? Ёзгани-ёзган. Чироқ ўчган куни, аризаю-шикоятбозлик. Қайсидир куни биттаси шикоятига жиндай шиғир ҳам қўшибди. "Қўшни қишлоқ чароғон, Андижонни эслатгай, бизнинг кўчалар қаро, қабристонни эслатгай", деб. Бетавфиқнинг гапини қаранг. Туманимиз коммунал тўловлар бўйича қарз ботқоғига ботиб турган бир пайтда кўчани ёритишга бало борми? Нима, кўча санга энангни уйимиди, чироқ ёқиб қўядиган...

Хуллас, пастовулликларнинг касрига қолиб, йиғилишда яна оқ калтак-қора калтак бўлдик. Раҳбаримизнинг гапига кўра, камина ўтакетган муттаҳам, ўзбошимча, қўпол. Ҳудудда пул йиғими суст, маҳалла нозирдан норози, одамлар додини кимга айтишни билмайди...

Янги йилга ҳаммага мукофот, бизга "виговор" тегди. Хунобим ошиб, йўлакда устма-уст тутатиб турувдим, қўшни қишлоқ нозири Отақўзи келиб, елкамга қоқди. Кеча келган шу мишиқиларнинг олдида оёқости бўлганим учунми, уни кўриб фиғоним фалакка ўрлади. Яна жаҳлимни чиқариб, ишшаяди, олифта.

– Ока, савлатиздан ит ҳуркади-ю, иштонини ҳўл қилиб қўйган боладек гап эшитишингизни қаранг. Ярашмас экан...

Отақўзининг сурбетлиги энсамни қотирди:

– Сан қолувдинг, энди, ақл ўргатмаган... Ўзинг бирон нимани қотириб қўювдингми?

– Манам шуни этаман-де, ока? – деди у енгимдан олиб. – Бу ерда бирон нимани қойиллатиб қўйганнинг ўзи йўқ. Лекин ҳамманинг иши "беш", сизники – пеш. Чунки, сиз "топарман-ютарман"-лардансиз. Раҳбарга "эриш"ни билмайсиз. Ҳамма гап шунда.

– Нима қил дейсан?

– Уч кундан кейин Янги йил. Ҳаммомга тушиб, соқолни олиб, арчилган тухумдек бўласиз. Тўйингизда кийган костюм-шимингиз тургандир, вешилкада сўппайиб. Оҳорли оқ кўйлак билан шуни киясиз, галстук шартамас. Қимматроқ дезодарантдан сепасиз. Янги йил киришига икки соат қолганда, секин хўжайинникига кириб борасиз...

– Йў-ғе, ноқулай бўлар.

– Ҳа, майли, яхшиси Қорбобо бўлиб олинг. Совға халтангизни елкангизга ташлайсиз-у, ҳассангизни дўқиллатганча "Салом, болажонлар!" деб кириб борасиз. Фақат кичкинтойларга тузукроқ ширинликлар олволишни унутманг...

– Бор-йўғи шуми?

У кўзимга синовчан тикиларкан, ўта муҳим гапни тайинлаётгандек шипшиди.

– Аслида-ку, Қорбобони хўжайин бошигаям урмайди. Оборган тўртта пашмагингизни итига ташласа қарамайди-ю. Бу йўлига бир ниқоб, холос. Сизнинг ишингиз эса бошқа.

– Тушунмадим?

– Нимасини тушунмийсиз. "Янги йилингиз муборак бўлсин, Асомиддинжонака!" деб ўзини бағрингизга, конвертни эса кафтига босасиз.

– Қанақа конверт?

Отақўзи яна ишшайди.

– Шуниг учун юрибсиз-де, итнинг кейинги оёғи бўлиб, ока. Борганга яраша ўн дона "кўки"-дан конвертга солволинг-да. Бенжамен Франклиннинг сурати туширилганидан.

Сигарет тортаётган эдим, қалқиб кетдим.

– Қанча, қанча?

– Ҳай, майли, бештасини солақолинг. "Узатмасангиз" бўлмайди-да. Кираверса давлат, кетаверса палакат, деган замонлар ўтиб кетган, ока.

Ўйлаб кўрсам, Отақўзининг гапидаям жон бор. Бунақа гапни, ҳов бирда, божам Қутпилло ҳам айтганди. "Берган ҳаммагаям ёқади, божа! Ҳозир олмайдиган лақма йўқ, беришни билмайдиган ландавурлар бор..."

Бу ҳам шуни айтаяпти. Тўғрида, хўжайиннинг юриш-туришига бир қаранг. Эгнидаги костюми ўлдим деганда, бир кўчқорнинг пули турар. Яна ҳафтанинг ҳар куни тустовуқдек товланади. Қаердан топади шунча пулни? Нима, отаси амир Олимхоннинг сарбози бўлганми?

Ният холис. Дарров Қорбобо кийими ҳам топила қолди. Ахир, келинингиз болалар боғчасининг "завхоз"и-ку.

Хуллас, Янги йилни бошлиғимнинг уйида кутиб олишимга бир баҳя қолди. У киши, янга, яна бола-бақраларнинг қувонганини кўрсангиз. "Конверт"да гап кўп экан, вей. Шунинг кучи бўлса керак, бироз қизишиб олганимиздан кейин, "Шокирвой, шундай оқибатли йигит экансиз-у, билмай юрганаканмиз-а. Э, аттанг..." дейдилар нуқул.

Мен бу гапни, "қадрингизга мана, энди етамиз, уч ойда ўзимга "зам" бўласиз", деб тушуниб, дарров алжираб қуллуқ қилдим.

– Раҳмат, хўжайин, ҳ-ғиқ, мен сизни отам деганман, ҳ-ғиқ...

Судралиб-чайқалиб уйга келганимда, соат аллақачон биринчи январга бонг урибди. Оёқни қоқиб, уйга кирдим-у, диванга чўзилдим. Хотин, болалар телевизорни батанг қилиб олишган бўлса ҳам бир зумда кўз илинди. Чарчаганмиз-да. Тушимдами, ўнгимдами, элас-элас Гулсанамнинг қўшиғи эшитилади: "Ассалом дермиз юракдан, аввало, хуш келдингиз, қутлайин турли ғазалда Шокир-о, хуш келдингиз..."

Бир эркалик қилсак қилибмизда, деб, уч кун ўзимга ўзим дам бердим. Ўрта ҳисобда беш кун "байрам" бўлди. Бир йўла душанба куни эрталаб ишга бордим. Отақўзини кўрсам, бир оғзини очириб қўяй, деб ҳовлиқаман.

– Қаерларда юрибсиз, ока, – деди Отақўзи саломимгаям алик олмай.

– Э, окагинанг айлансин, – деб гердайдим ва овозимни бир парда тушириб шивирладим. – Сани насиҳатларингни дўндириб юрибмиз-да.

– Қанақа насиҳат?

– Қанақа бўларди, нима, "Қорбобо операцияси" эсингдан чиқдими?

– Э, уми, – деб беўхшов тиржайди Отақўзи. – Қорбобонгиз эриб кетди...

Ҳеч балога тушунмадим. Отақўзи изоҳ берди:

– Янги йилни янги раҳбар билан бошладик, ока Шокирий. Ана, буйруқ, эълонлар тахтасида...

Буйруқни, айниқса, тагидаги санани кўриб, капалагим учди – 31 декабрь.

Қулоғимда собиқ хўжайинимнинг ўша оқшом оталарча меҳрибонлик билан айтган гапи акс-садо берди:

– Шокирвой, шундай оқибатли йигит экансиз-у, билмай юрганаканмиз-а. Э, аттанг...

**Муҳаммад АЪЛО.**




## ПОЛИЦИЯ САККИЗ КИШИНИ ОТИБ ТАШЛАДИ

**Хитойнинг ғарбидаги Синьцзян-Уйғур мухтор туманида полиция саккиз кишини отиб ўлдиргани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги минтақа ҳукумати маълумотларига таяниб.**




Қашқар округининг Ёркент уездида пичоқлар билан қуролланган 9 киши полиция участкасига ҳужум қилиб, машиналарни ёқиб юборишди ва бинога ясама портловчи қурилмалар улоқтиришди. Полиция қатъий чора кўришга мажбур бўлиб, ҳужум қилганларнинг саккиз нафарини отиб ташлади ва бир кишини қўлга олди.

Агентликнинг эслатишича, декабрнинг бошларида ҳам Қашқар шаҳри туманларининг бирида тўс-тўполон бошланган пайтда полиция 14 кишини отиб ташлаган эди. Ўшанда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг икки ходими ҳам ҳалок бўлганди. Ноябрь ойида ўша ерда болта ва пичоқлар билан қуролланган бир гуруҳ маҳаллий аҳоли полиция участкасига ҳужум уюштирганда ҳам тўққиз фуқаро ва икки полициячи қурбон бўлганди.

## ВУЛҚОН ЎТТИЗ ЕТТИ ЙИЛДА «УЙҒОНДИ»

**Сальвадорнинг Сан-Мигель департаменти ҳудудидаги Чапаррастике вулқони кескин фаоллашгани муносабати билан музофотда ҳушёрлик эълон қилинди.**



Мамлакат ҳукумати аҳолига таҳдид ўта хавфли эканини ҳисобга олиб, табиий офат ўчоғидан 3 километр радиусда жойлашган турар жой эгаларини эвакуация қилиш тўғрисида фармойиш берди. Денгиз сатҳидан 2,1 минг метр баландликдаги Чапаррастике кратеридан кучли босимда кул ва қуюқ тутун отилиб чиқди. Шу боис 2000 дан зиёд аҳоли хавфсиз жойга шошилинч кўчирилди. Ҳукумат вакилларининг айтишича, эвакуация қилинадиган аҳоли бир неча ўн минг кишига етиши мумкин.

1976 йилдан буён "ухлаб ётган" вулқоннинг тўсатдан "уйғониб қолиши" аҳолини қаттиқ ташвишга солмоқда. Бироқ, ҳукуматнинг маълумотларига қараганда, ҳозирча ушбу табиий офатдан зарар кўрганлар йўқ.

## ПИТОН ҚОРОВУЛНИ БЎҒИБ ЎЛДИРДИ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Индонезиянинг Бали оролида узунлиги 4 метр бўлган илон меҳмонхона қоровулини бўғиб ўлдирди.**



Орадан бир кун ўтсада, "қотил"ни ҳанузгача топишолмаяпти. Шу боис полиция маҳаллий аҳоли ҳамда сайёҳларни огоҳликка чақирди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг ҳикоя қилишларича, 59 ёшли қоровул Арианто Мульйо меҳмонхона яқинида бўғма илонни кўриб қолиб, уни тутмоқчи бўлган. Шу мақсадда бир қўли билан унинг бошидан, иккинчи қўли билан эса думидан тутган. Бироқ, илон шу даражада кучли эканки, қоровулга бўй бермай, унинг бўйнига ўралиб олиб, умуртқаларини синдириб юборди. Бу жараённи кузатиб турган бошқа кишилар қўрқиб кетганларидан ўз дўстларини қутқаришга жазм қилолмадилар. Меҳмонхона атрофида олиб борилаётган қидирув ишлари ҳозирча натижа бергани йўқ.

Индонезияда асосан сув бўғма илонлари яшайди. Улар бошқа авлодларига нисбатан унча йирик бўлишмайди. Масалан, энг йиригининг узунлиги 4 метрга етиши мумкин. Улар асосан майда жониворлар ва қушлар билан озиқланишади. Бироқ, бошқа питонларга ва ҳатто тимсоҳларга ҳам ҳужум қилишлари мумкин.

## ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ АЛЬПИНИСТ

**Американинг Калифорния штатилик 9 ёшли бола ғарбий ярим шардаги энг юқори Аконкагуа чўққисини забт этишга муваффақ бўлди.**



Associated Press агентлигининг хабар қилишича, Тайлер Армстронг тарихда Аконкагуа чўққисига чиқишга муваффақ бўлган энг ёш альпинист. У ушбу тоғга отаси Кевин билан биргаликда кўтарилди.

Аслида маҳаллий андозадаги қонун-қоидаларга кўра, 14 ёшга етмаган шахсларнинг Аконкагуа чўққисига чиқишига рухсат берилмайди. Шу боис Армстронглар учун Аргентина судидан махсус ордер олишга тўғри келди.

Илгари колорадолик Мэттью Мониц Аконкагуани забт этган энг ёш альпинист ҳисобланарди. У 2008 йили 10 ёшида ушбу машҳур чўққига кўтарилишга муваффақ бўлганди. Аконкагуа тоғи чўққиси денгиз сатҳидан 6962 метр баландликда жойлашган. Ушбу тоғ шимолий ва жанубий Америка, шунингдек ғарбий ва жанубий ярим шарнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Аконкагуа чўққисини забт этишга отланадиган ҳақиқий альпинистларнинг фақат 30 фоизигина бу мақсадга эриша олади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт



**Ёш боксчиларимиз Озарбайжон ва Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, мамлакатимиз олимпиячилари захираси кучли спортчилар билан бойиб бораётганини кўрсатди.**

## ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Боку шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда учта олтин, битта кумуш ва учта бронза медаль жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

69 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Бектемир Меликўзиев саралаш баҳсларида қозоғистонлик Даулет Каби, украиналик Алексей Токарчук, озарбайжонлик Роман Зокиров ва финалда россиялик Гусейн Гусейновни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Маҳмуд Ғоипов ва Иқболжон Холдоров олтин, Музаффар Рашидов кумуш, Асилбек Солиев, Козим Камронов ва Беҳзодбек Турсунбоев бронза медални қўлга киритди.

Қозоғистондаги халқаро турнирда ёш боксчиларимиз иккита олтин, битта кумуш ва бешта бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди. Ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларидан Азизбек Шукуров ва Жасур Аҳмаджонов олтин медални қўлга киритди.

Мусобақада Суннатулла Баҳодиров кумуш, Шоҳруҳ Эркинов, Асқаржон Авазов, Фазлиддин Мелибоев, Жавоҳир Каримов ва Сулаймон Латипов бронза медаль соҳиби бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ТОШКЕНТДА ХОККЕЙ ШОУСИ

**Пойтахтимиздаги "Айс авеню" муз саройида Ўзбекистон хоккей федерацияси томонидан ушбу спорт турини ривожлантиришга бағишланган тадбир ўтказилди.**



Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда қишки спорт турлари ҳам изчил оммалашаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тоғ чанғиси, сноуборд, фристайл, фигурали учиш каби қатор қишки спорт турлари тобора ривожланмоқда. Пойтахтимиздаги сунъий муз қопламали спорт саройи ва муз саройларида, Тошкент вилоятидаги спорт базаларида қишки спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон хоккей федерацияси томонидан мамлакатимизда хоккейни янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мазкур спорт турини ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2014 йилдан пойтахтимизда хоккей жамоалари иштирокида Тошкент шаҳар очиқ чемпионати ўтказилади.

Тадбирда хоккейчилар ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 январь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ, айрим жойларда 2 даражагача совуқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

Кўргазма

## ТАБИАТ ВА РАССОМ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Янги йил арафасида анъанавий "Табиат ва рассом" республика бадиий кўргазмаси, шунингдек, Ўзбекистон халқ рассоми, пленерчилар ҳаракатининг асосчиларидан бири Евгений Мельников (1928-2010) таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кўргазмаси очилди.**

Кўргазмадан Ўзбекистоннинг турли гўзал ҳудудларида, чет эл сафарида ижод қиладиган ўзбек пленерчи рассомларининг асарлари ўрин олган. Экспозицияга 300 дан ортиқ рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари қўйилган. Уларда юртимиз табиати манзаралари, ширин-шакар мевалари тасвирланган натюрмортлар, тарихий ёдгорликлар, йил фасллари, айниқса олтин куз ва қорли қишнинг тароватини, қадриятларимизни эслатувчи турли даврлардаги чойхоналар кўриниши акс этган.

Кўргазмадан қатор рассомларнинг Тошкент вилояти гўзал табиати тасвирланган "Сўқоқ. Чошгоҳ", "Сўқоқ манзараси", "Сўқоқ. Чашма", "Олтин куз. Бурчмулла", "Кузги тераклар. Бурчмулла", "Чимён. Куз", "Чимён. Тоғ шунқорлари", "Ҳожикент. Тоғ этаклари", "Тунги Ғазалкент", "Чорвоқ оҳанглари", "Чорвоқда жала", "Оқтош. Сокинлик", "Оқтошда куз", "Паркентдаги дала ҳовли" каби асарлари ўрин олган. Жанрли рангтасвир устаси, Ўзбекистон табиати шайдоси Е. Мельниковнинг кўргазмага қўйилган 24 та асаридан 11 тасида Сўқоқ ва Оқтошнинг турли кўринишлари меҳр билан тасвирланган.

Кўргазмага қўйилган асарлар намойиши 14 январга қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Фотонигоҳ



*Дунёда шундай қалин қор ёғадиган мамлакатлар ҳам бор.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8855. Адади 18050. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.